

Менга яна ўқиб бер



08:00 / 27.08.2020 2041

Бир киши Қуръондан Аллоҳ таолонинг «**Биз тақводорларни суворий ҳолларида** (Ҳадиси шарифларда айтилишича, Қиёмат куни кимлардир пиёда, кимлардир суворий (уловда), кимлардир юзтубан ҳолатда юрар экан. Саҳобалардан бири «Юзтубан юриш қийин-ку», деганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бу дунёда икки оёқда юргизиб қўйган Зот охиратда юзтубан юргизишга ҳам қодир», деган эканлар)**Раҳмон даргоҳига тўплайдиган, жиноятчи кофирларни эса жаҳаннамга тушишлари учун ҳайдайдиган кунимизни эсланг!**» (Марям сураси, 85-86 оятлар) оятини ўқиётган эди, Масруқ розияллоҳу анҳу буни эшитиб, ўзини йўқотиб, қаттиқ йиғлаб юборди. У қорига: «Менга шуни яна ўқиб бер», деди. Қори ушбу оятларни қайта ўқиб тугатмасидан Масруқ дод деб йиғлаганча беҳуш йиқилиб, жон таслим қилди. У зот Қуръон тинглаб, сўнг вафот этган нодир инсонлардан эди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан